

Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуримиз
бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сибастининг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин.

Давлат сибастининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида кўриб кўриладиган белгилансин:

суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аришганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари оғишмай амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъжовуз қилиш ҳолатлари юзасидан судлик билан зарур чоралар кўриш;

жиносий ва юридик шахсларнинг муносабатларини ўз вақтида ҳал этиш, муносабатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бепарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш; фаолиятини оқиллиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишни самарали механизмланини кенг қўллаш;

фаолиятини иш аяқларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш;

ҳодимлар ўртасида суиестемолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш;

юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга ошириладиган ислохотларнинг самарали ба-

жарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илгор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳужжат суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлигининг судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ун йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) назарда тутилган тақлифи маъхуллансин.

3. Белгилансинки, 2017 йилнинг 1 апрелидан:

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашнинг кенгайтириш орқали қамок тарихидаги жиноий жазо тугатилди;

жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди;

қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди;

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эскумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди;

судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди;

терговнинг тўлиқ эмаслигини суд мукоамаси жараёнида тўлдирish механизмининг жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишлари қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинади;

фуқаролик иши бўйича суд қорорини назорат тартибидан қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилди;

вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибидан кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибидан протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибидан кўриб чиқиш бўйича бир-бирини тақорловчи ваколатлари бекор қилинади;

адлия органларининг умумий юрисдик-

ция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди;

ҳўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судлари ташкил этилади.

4. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 2-иловага мувофиқ тарихида ташкил этилсин.

Комиссия (И.Б.Абдуллаев):

вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, илгор илмий-техника воситалари раҳбарлари, илгор ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини ташкил этсин;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур танқидий таҳлил қилиш, илгор ҳорижий тажрибани ўрганиш асосида Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таъминласин;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик ўртасида, шу жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали кенг муҳокама қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли тайёрлашни ва ўз вақтида белгиланган тартибда киритилиши, шунингдек бошқа тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳужжат суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги илгор ҳорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида 2017 йил 1 июлга қадар:

суд-прокурор ходимлари малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

воёга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;

томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш;

жиноят ишлари қўзғатиш фақат жабрланувчининг аризасига кўра амалга ошириладиган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш;

фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш;

электрон тартибда суд ва ижро ишлари юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шунингдек одил судловга эришишнинг илгор механизмланини кенг қорай этиш орқали одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилашни назарда тутилган тақлифларни ишлаб чиқсин ва киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илгор ҳорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида ўз ойлик муддатда:

давлат органларида юридик хизматнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;

адлия органлари тизимида юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилмалар ташкил қилишни назарда тутилган тақлифларни киритсин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.А.Коканбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 октябрь

Сайлов — 2016

Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштирокига бағишланган республика семинари

ЖОРИЙ йилнинг 24 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг сайловлардаги иштирокига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Видеоконференцада шаклида ташкил этилган тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий тузилмалари, Марказий сайлов комиссияси, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Олима аёл" уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, вазирлик, идора ва олий ўқув юрларидаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари раислари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Баситханова ва бошқалар юртимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган, демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини қайд этишди.

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар ривожини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам узий боғлиқ. Шу боис сайлов жараёнининг барча босқичларидан сайловчиларнинг хабардор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу эса уларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли риоя этишлари ва сайлов кунини ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларини таъминлайди.

Бугунги кунда юқорида зикр этилган Дастур доирасида ишлаб чиқилган "Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки" мавзусида тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига бинчани хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган таъминот ишлари илгор амалга оширилди. Бундан ташқари, марказий ва маҳаллий телерадиоканалларда миллий қонунчилигимизда белгиланган хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари, уларнинг сайловдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган телекурсуслар ва радиоташкилотлар ҳамда мақолалар тайёрланмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда хотин-қизлар қўмиталари, уларнинг бошланғич ташкилотлари ва фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўрни, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, улар ишида хотин-қизларнинг иштироки, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли каби масалалар юзасидан атрафлича сўз юритилди.

Тадбирда "Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки" мавзусидаги давра суҳбатлари ва уршувоиларни олий ўқув юрлари, жойлардаги қорхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат жамоалари, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларидаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари ва аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда уй бекалари ўртасида ўтказиш атрафлича муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази



Сайлов кампанияси мониторинги демократик давлатнинг устувор белгиси

ФУҚАРОЛИК жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолияти кўп қиррали бўлиб, фуқаролик жамиятининг барча жабҳасини қамраб олади ва унинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунда институт жорий йилнинг 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида фаол иштирок этиб, сайлов кампаниясини демократик тамойиллар ҳамда халқаро мейёрларга мувофиқ ҳолда ўтказишга кўмак берапти. Қайд этиш жоизки, институт ўз фаолияти доирасида, яъни 2007 ва 2015 йилларда Президент сайловлари, 2009 ва 2014 йилларда эса парламент сайловларида катта таърибга эга бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

4 декабрь — сайлов кунини!



Сайловнинг юксак даражада ўтиши

сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ

АЙНИ кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида, шу билан бирга, мамлакатимизнинг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига қизқинч қўриқилмоқда.

Табиийки, сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, сайлов бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумтаътироф этилган қоидалари асосида ўтиши кўп жиҳатдан фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига, уларнинг фаоллиги ва фуқаролик бурчини чуқур англашига боғлиқ. Демак, сайловчиларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак бўлса, улар ушбу сиёсий жараёнда онгли равишда ёндашади, ўз овози давлатнинг ва жамиятимиз ҳаёти, мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга эканини тушуниб етати.

2016 йилнинг 7 октябрида Марказий сайлов комиссияси ҳудди шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастурини тасдиқлаган эди. Мазкур дастурда аҳоли ўртасида миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида"ги Қонун, ушбу Қонунга кейинги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солишга қарорлиги мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунириш ишларини олиб боришга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилгани билан аҳамиятлидир.

Шу кунларда ушбу дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, сайловга оид 16 та оммабоп рисола тайёрланди. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари" тўплами чоп этилиб, жойларга етказилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирга қадар жойларда беш мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди. Уларнинг аксарияти уршуво, давра суҳбати ва семинар шаклида амалга оширилгани учун ҳам сайловчилар билан юзма-юз гаплашиш имкониятини яратди. Масалан, шу йилнинг 21 октябрида Тошкент шаҳрида Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик мавзусига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, ҳорижий мамлакатларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови жараёнига бўлган қизиқиш қундан-қунга ортиб бормоқда. Бун чет эллардаги оммавий ахборот воситаларида 800 дан ортиқ мақола ва материал эълон қилинган ҳам таъкидлаб турилади.

Маълумки, мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элал вакиллари бир оиладек яшаб келишмоқда. Шу нуқта назардан келиб чиқиб, "Ягона оилада — В семье единой" ширини остида Ўзбекистон фуқаролари миллати, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканини, миллатлараро тотувлик жамиятдаги барқарорликнинг бош омилли бўлаётганини тушуниришга қаратилган уршувоилар, ОАВда чиқишлар ҳам ташкил этилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон миллий телерадиоканалларида ҳар ҳафтанинг жума кунлари "Дидар", "Рангинкамон", "Наўпир", "Чинсен" (қрозқ, тожик, қорақалпоқ ва қорейс тилларида), қоршанба кунлари (ойда икки марта) "Ягона оилада", "Ўзбекистон — умумий уйимиз" кўрсатувлари, сешанба кунлари эса миллий-маданий марказлар фаолияти ҳақида радиоташкилотлар эфирга узатилади.

Дастур асосида хотин-қизлар, нурунийлар, имконияти чекланган шахслар, ёшлар, шу жумладан, биринчи марта овоз берувчи фуқаролар ўртасида ҳам самарали тарғибот-таъминот ишлари ташкил этилмоқда. Айниқса, сайловда биринчи марта қатнашаётган йигит-қизларнинг сайловга оид билимларини юксалтириш масаласига бу борадаги устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги ахборот ва мураббийлик соатларида, маънавият кунларида ўқувчи ва талабаларга сайловга оид қонун ҳужжатлари, сайловда овоз бериш қоидалари тушунирилмоқда.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун Президент сайловининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш юзасидан 4 соатга мўлжалланган махсус курс ўқув дастури тайёрланди. У асосида 1637 та таълим муассасасидаги ўқув дастурларида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг таълиқий-ҳуқуқий асослари" мавзусида машғулотлар олиб борилади.

Муҳофаза вазирлиги тизимида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиздаги ҳарбий округ, гарнизон офицерлар уйлари, ҳарбий қисм ва муассасаларда сайлов бурчаклари ташкил этилиб, шахсий таркиб иштирокида ўқув-услубий семинарлар уюштирилмоқда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчиларнинг ижтимоий фаоллигини ўрганиш бўйича социология тадқиқотлари, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш бўйича эса сўровлар ўтказилмоқда.

Юқоридаги дастур асосида яқин кунлар ичида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ёшлар учун "Менинг овозим — Ватаним келажаги", аҳолининг сайлов жараёнида хабардорлик даражасини янада ошириш учун "Мен шахсан ўзим овоз бераман", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга ағамиз", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?" каби акциялар ўтказиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури доирасида амалга ошириладиган савй-ҳаракатлар, юқорида таъкидланганликде, Президент сайловининг Конституция ва қонунларимиз, сайлов бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумтаътироф этилган қоидалари асосида ўтишига хизмат қилади.

Алижон ОЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи,
Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида
давлат органлари ишларини
мувофиқлаштириш
бўйича идоралараро кенгаш котиби

Адлия вазирлигида

Вазифалар белгилаб ОЛИНДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Хай'ят мажлисида адлия органлари ва муассасалари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар атрофида муҳокама этилди.

Адлия вазир М.Икрамов таъкидлаганидек, адлия органлари ва муассасалари томонидан ўтган давр мобайнида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳисобот даврида 46 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 12 та қонун, 6 та Президент ҳужжати ва 19 та Вазирлар Маҳкамаси ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳуқуматга киритилди. 1.933 та қонун ҳужжати лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. 236 та идровий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатига олинди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича вазирилик ва идораларга 5.008 та тақдиминома киритилиб, уларнинг 945 та ноқонуний қарори бекор қилинди. 1.235 нафар шахснинг маъмурий, 10 нафар шахснинг эса жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланди. 4.357 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 227 нафари эгалаб турган лавозимидан озод этилди.

Судларга киритилган 78 миллиард сўмга яқин даъво аризалари қаноатлантирилди. 1.751 та фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланиб, уларда 4.233 та иш ўрни яратилди.

Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларига нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги функция ва вазифаларини бошқичма-бошқич суд органларига ўтказиш ҳақидаги тақлиф ҳам қўллаб-қувватланди.

Хай'ят мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишлаб ўтказилган йилгиликдан келиб чиққан ҳолда адлия органлари ва муассасалари олдидаги вазифалар юзасидан фикр сўрашди. Адлия органлари ва муассасаларнинг қонун ижодкорлиги, суд ижро ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолиятини янада кўнатириши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизасини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари қўламини кенгайтириш, юридик таълимнинг миллий реитингини ошириш, инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлик ва шартномавий ҳуқуқий ишларда суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқиш бўйича ходимлар масъулиятини янада ошириш, ФХДЕ ва нотариат органларида ҳужжатлар билан ишлашда қонунийликни таъминлаш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар атрофида муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Самарқанд вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари фаолиятини комплекс ўрганиш яқунлари билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, мазкур адлия органлари томонидан амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш, юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, таъсир чораларини қўллаш каби йўналишларда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Мажлисида мазкур адлия органлари раҳбарларининг бу борадаги ахборотлари тингланган ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Фармон тадбиркорларга қатъият, ишонч, рағбат бағишлайди

Шу йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистоннинг эндиликдаги тараққиёт йўлини белгиловчи муҳим ҳужжат бўлди.

Ҳимоя ва ИМКОНИЯТ

МАЪЛУМКИ, республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, улар фаолиятини жадал ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Давлатимиз томонидан бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларини ҳимоя қилишни янада кўнатириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши бунинг яққол далилидир.

Мазкур Фармонга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражадаги вазифаси этиб белгиланди.


Эндиликда, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб — тадбиркорлик субъектларида фақатгина юридик шахсларнинг тугатилганда, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ қисқа муддатли текширувлардан ташқари тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарини қоплаган тақдирда (инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно) маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилдилар.

Шунингдек, ушбу Фармонга кўра ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарининг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва руҳсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмаслиги белгиланди.

Мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган яна бир имтиёз бу ҳорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига уларни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини (ресурс ва боғжона тўловлари бундан мустасно) беш йил мобайнида қўллаш ҳуқуқи берилди. Тадбиркорлик субъектлари ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этилдилар. Шу тахлит қатор бошқа имкониятлар мавжудки, албатта, булар тадбиркорликка йўл очиб бермоқда.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократия тўсиқларини бартараф этиш ва республикада инвестиция ҳақида ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилишининг қонуний ифодасидир.

Бахтиёр ТОЖИЕВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошқибчи биринчи ўринбасари



Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий механизм: ҳар жиҳатдан хусусий мулкни ҳимоя қилади

МАМЛАКАТИМИЗДА мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган дадил қадамлар ташланди.

1990 йил 31 октябрда "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши билан қонунчиликда хусусий мулкчилик институтига йўл очилди. Мазкур Қонунда белгиланган нормалар кейинчалик Конституцияда мустаҳкам ўрин эгаллади. Хусусан, Конституциянинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги ҳамда мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдалана олишилиги ва эркин тасарруф этиши мумкинлиги тўғрисида ўта муҳим ҳуқуқий кафолатларнинг мустаҳкамлиши, тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик, бозор муносабатларининг ривожланиши, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар очилиши учун замин бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, мазкур конституциявий қонунлар мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг ўтган давларида хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлар авлодининг яратилишида ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентини Ислоом Каримовнинг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислохотларни янада қучураштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан республикада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

Республика аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг қўламада жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатдан ошириш мақсадида бир йил кейин, 1995 йил 5 январдаги "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Президент Фармонида асосан прокуратура ва адлия органларига хусусий мулк эгалари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларига риоя этиш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатларини қатъиян бажарилишини назорат қилиш вазифаси топширилди.

Кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарори билан Адлия вазирлиги тизимисиде Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус бошқаруш ва бўлимлар ташкил қилинди ва ҳозирга қадар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши асосида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (янги тахрирда) Қонуннинг қабул қилиниши, унда кичик тадбиркорлик субъектлари доирасини аниқ белгилаб қўйилганлиги, уларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, тадбиркорликдан четланмаган миқдорда фойда олишга ҳақли эканлиги каби ҳуқуқлари мустаҳкамланганлигини ҳам алоҳида кўрсатмоқ муҳимдир.

Шунингдек, ушбу қонун билан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти бўйича текширувлар ўтказиш тартиблари ҳам мақбуллаштирилди. Қўзғатилган жиноят иши бўйича адвокат иштироки мажбурийлигини белгиловчи норманинг киритилиши, тадбиркорга молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ жарималарнинг либераллаштирилганлигини ҳам муҳим механизм сифатида кўрсатсақ бўлади.

2011 йил тарихига "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" сифатида кирди ва республикада тадбиркорликни янада ривожлантириш учун зарур бўлган тадбирларга бой бўлди.

2012 йил 24 сентябрда мамлакатимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлашга оид "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳадаги қонун ҳужжатларини яхлит ягона тизимга келтирди ва ушбу қонун хусусий мулк дахлсизлигининг кафолати сифатида намоян бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан шу кунгача ушбу соҳага бўлган эътиборнинг самараси натижасида мамлакатимизда ҳар қандай йўналишда рақобат қила оладиган тадбиркорлар, айниқса, кичик бизнес вакиллари — янги мулкдорлар синфи шаклланиб улгурди. Бугун ушбу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилаётгани, уларнинг меҳнати тўғрисида дастурухонимиз тўқин, уйларидаги шинам, кўчаларимиз обод, оилаларимиз тинчлиги, бир сўз билан айтганда, турмушимиз фаровонлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Жорий йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада Республикада таъкидлаш жоизки, ўтган тарихий даврда ушбу йўналишда анчагина салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, ривожлантирилди. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлашнинг самарали механизми яратилди. Фуқароларда қонуний тадбиркорлик фаолиятини юритиш маданияти шаклланди, давлат органларида улар ишига асосси аралашувлар кескин камайди, чет эллик инвесторларнинг бизнес юритишлари учун қўшимча шарт-шароитлар муҳай қилинди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўтган тарихий даврда ушбу йўналишда анчагина салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, ривожлантирилди. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлигини таъминлашнинг самарали механизми яратилди. Фуқароларда қонуний тадбиркорлик фаолиятини юритиш маданияти шаклланди, давлат органларида улар ишига асосси аралашувлар кескин камайди, чет эллик инвесторларнинг бизнес юритишлари учун қўшимча шарт-шароитлар муҳай қилинди.

Хайриддин ФАЙЗИЕВ, Юристар малакасини ошириш Маркази катта ўқитувчиси

Адлия вазирлиги томонидан ОАВ вакиллари учун ташкил этилган "Тадбиркорлик раванқида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботининг ўзига хос жиҳатлари" мавзусида ўтказилган ўқув семинари 2016 йил 5 октябрдаги Фармоннинг мазмун-моҳиятига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққан ҳуқуқшунослар мазкур Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан етказилган зарарини қоплаган ва ҳуқуқбузилиш оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чораларни назарда тутишни алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Фармон билан қонунчиликимизга киритилган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, Фармон кучга киргач, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланади. Кўрсатиб ўтилган нормалар тадбиркорлик субъектларини икки марта жазолашни истисно этибгина қолмай,

балки биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган ва ўз айбини ювган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларсиз давом эттириш имконини беради, бу чора уларнинг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга ҳам йўналтирилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодексларида ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда семинар қатнашчиларининг эътибори мазкур Фармон, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кўнатиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жонивдорлигини оширишга йўналтирилгани ва ушбу соҳада давлат сиёсати сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига қаратилди. Ана шу нукта назардан ушбу ҳужжат "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва

ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик"ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражадаги вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Тадбир иштирокчиларига мавзунини очиб беришда мазкур дастурда ифода этилган чора-тадбирлар, умуман Фармон ижросининг таъминланиши қандай самара беришини ҳаётий мисоллар билан бойитиш, хусусий секторнинг мамлакат иқтисодийотидаги ошиб бораётган улуши нисмалар ҳисобига қўлга киритилган тўғрисидаги далил ва рақамлар келтириш мақсада мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Таъкидлаш лозим, "Адолат" нашриёти томонидан чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва унга шарҳ китоби тақдими тоғри бўлиб ўтди.

Ҳасан МАРДИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ адлия бошқармасида ҳам ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда бошқарма томонидан шу йилнинг ўтган тўқуз ойида тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий қўмақ бериш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва ҳорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

Шуни айтиш кераки, бугун мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган қулайлик уларнинг эркин ва жадал суръатлар билан фаолият юритишлари учун катта имкониятлар яратмоқда. Энг муҳими, тадбиркорлар қонун доирасида бемалол ўз ишларини ортиқча текширувлардан халос бўлган ҳолатда фаолият юритишлари мумкин.

— Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши замон талаби эди, — дейди Каттақўрғон шаҳридаги "Нарзулла ота" хусусий корхонасининг раҳбари Матлаб Хайдаров. — Эндиликда тадбиркорлик жадал ривожланади. Чунки биз ортиқча текширишлардан халос бўлдик. Яъни 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши биз тадбиркорлар учун билан иш юритиб, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин оламиз.

Ҳа, бугун мамлакатимиздаги ишбилармон ва тадбиркорларнинг кенг қўламада иш олиб бориши ҳамда уларга яратиб берилётган имкониятлар сўзсиз натижасини беради. Эндиликда тадбиркорларимиз ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорларидан мустаҳкам ўрин эгаллаши мумкин.

Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Ҳуқуқий



Маслаҳатхона

— ЯҚИН дўстим билан олди-бердимиз нотариал идорада расмийлаштириш керак. Нотариусга қандай ҳужжатлар топширишимиз керак? З.НИЁЗОВ, Сарисий тумани

— Жисмоний шахслар ўртасидаги қарз шартномаси, агар унинг суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан ошса, оддий ёзма шаклда тузилиши керак. У қарз олувчининг унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки ашёларнинг муайян миқдори берилганлигини тасдиқлайдиган тилхати бўлганда ҳам ёзма шаклда тузилади, деб ҳисобланади.

Шу сабабли агар сиз энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан кам суммани қарзга бермоқчи бўлсангиз, битимни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди — ёзма қарз шартномаси ёки қарз олувчининг тилхати kifoya.

Агар сиз катта суммани қарзга бермоқчи бўлсангиз, ушбу битимни нотариусда тасдиқлашга ҳаракат қилинг. Нотариус нотариал ҳаракатларни содир этиш учун мурожаат қилувчининг шахсини аниқлаши, юзма-юз суҳбат вақтида фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини аниқлаши, тарафларнинг ҳақиқий ниятларини белгилаши, мурожаат қилган шахсларнинг илтимосига қўра, қарз шартномаси лойиҳасини туза олиши нотариал тасдиқлашнинг ижобий томонларидир.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 171-бандига қўра, қарз шартномаси хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Унда қарзнинг қайтарилиш муддати, жойи ва мажбурият бажарилиши усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунтириш берилганлиги кўрсатилиши керак. Лозим бўлса, нотариус тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида ариза олиши мумкин.

Агар сизда нотариусга мурожаат қилиш имконияти бўлмаса ёки маълум сабабларга қўра шундай қилишни хоҳламсангиз, юрист ёки адвокат мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизга шартномани тўғри тузишда ёрдам бериб, унда барча зарур ва муҳим ҳижатларни акс эттирадilar.

Саволга Сарисий туман давлат нотариал идораси нотариуси Давронбек ЖУМАЕВ жавоб берди.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси "Ишон телефонлари" 253-84-77; 200-84-77; 280-50-96 "Ишон телефонлари" дўшбадан-жумага соат 9:00 дан 18:00 га қадар қабул қилинади. 13:00 дан 14:00 га қадар тушлик.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтларини қабул қилиш курали

Table with 4 columns: ЛАВОЗИМИ, Ф.И.О., ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚУРАЛ, ҚАБУЛ ВАҚТИ. Rows include: Бошқарма бошлиғи Мусайёв Лазо Тулганович, Бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари Саттаров Салоҳиддин Уллубекович, Бошқарма бошлиғи ўринбосари Сарабеков Аъзамжон Абдуқадирович.

Изоҳ: Бошқарма раҳбарияти меҳнат таштилида ёки бошқа уяли сабабларга қўра ишда бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтларини қабул қилиш ўриндорлиги асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларида ТАЛЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти Кўрғонтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Наманган вилояти Учкўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Тошкент шаҳри Бектемир туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Миробод туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Чилонзор туман 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Олмазор туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- 1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабдорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига ўз йил мобайнида ишлаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси Фуқароси иштирақ этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2016 йил 24 ноябрь) Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 13 октябрдаги 355-ум-сонли буйруғига асосан Андижон шаҳридаги "NUR ZIYO FEMIDA" адвокатлик ҳайъати адвокати 2014 йил 27 октябрда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган AN №000263-рақамли лицензия эгаси Гафуров Хусан Жамалдиновичга адвокатлик мақоми ҳамда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши суд ҳукми қўрулган қўра қўра ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинганга қадар тўқтатилади.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 10 октябрдаги 253-ум-сонли буйруғига асосан Урганч шаҳридаги "Абдуллоев Шероз Умарбекович" адвокатлик бюроси адвокати Абдуллоев Шероз Умарбековичга бошқарма томонидан 2013 йил 26 мартда Н2 000133 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокат мақоми тўқтатилади.

ASAKA BANK logo and header text: Хўрматли юртдошлар! "Асака" банк

2016 йил "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қўйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА" Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Table with 6 columns: Филиаллар, Код, Телефонлар, Филиаллар, Код, Телефонлар. Lists various branches like Toshkent, Andijan, Namangan, etc.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

- Сизнинг омонатларингиз:
■ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
■ эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
■ маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
■ миқдори чекланмаган!

"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди! www.asakabank.uz

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларида ТАЛЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Includes details for Andijan, Namangan, Tashkent, Bektemir, Mirobod, Chilonzor, and Olmazor districts.

Эълонлар. "Farg'ona milk savdo" MCHJ бошланғич баҳоси бошқарма-бошқарувчи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Includes details for various agricultural equipment and vehicles.

ИНСОН ВА ҚОНУН. Бош муҳаррир Кўчкор НОРҚОБИЛ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жўраев Назар Савадқонович, Усмонов Алов Акромович, Очлов Алоқон Муҳомедов. НАВБАТЧИ: Ербек ИСКАНДАРОВА, Саҳибафловчи ДИЗЯЙЕР, Тўлқун РАҲУПОВ. НАШР ИДОНЕСИ: 137. "ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер баъзида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 боства табоқ ҳаҳмида, офсет усулида "Ўзбекистон" наширият матбаа иқодий уйида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ушбу сонда ҲА суратлариндан фойдаланилди.